Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана

Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган ● www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz ● 2013 йил 15 март ● № 11 (928)



Орбиты сотрудничества

## ЗДОРОВЬЕ РЕБЕНКА – В НАДЕЖНЫХ РУКАХ



**Кажется, в ожидании чуда проходит целая вечность. Но вот на чернеющем мониторе зигзагом побежала долгожданная кардиограмма. А значит, девчушка, еще недавно обреченная на страдания и даже возможный летальный исход, скоро порадуется распустившимся за больничным окном деревьям. Улыбнется теплым лучам весеннего солнца, увидит склонившееся над ней счастливое лицо мамы. А дальше... Дальше она вновь будет учиться жить – без боли в сердце, с верой в завтрашний день. Именно веру в жизнь сегодня дарят своим пациентам сотрудники открывшегося в прошлом году нового кардиохирургического комплекса при Республиканском специализированном центре хирургии имени академика В. Вахидова.**



Операция Малике Ризаевой (возраст 2,8 лет) с врожденным пороком сердца, дефектом межжелудочковой перегородки, осложненным высокой легочной гипертензией, была осуществлена нашими специалистами совместно с коллегами из Италии при участии также врачей из Испании.

С началом нынешнего очередного визита в нашу страну итальянских кардиохирургов, кардиологов, кардиоанестезиологов и реаниматологов открылась новая программа по хирургическому лечению врожденных пороков сердца. Проект, поддерживаемый Минздравом нашей страны и посольством Италии в Узбекистане, а также итальянским фондом "Помощь детям", предусматривает приезд кардиохирургической группы из этой страны два раза в год в течение трех лет. За этот период планируется проведение совместных операций у детей с врожденными пороками сердца, малым весом и у новорожденных. Впервые же визит итальянских специалистов в нашу страну состоялся в 2008 году, когда был подписан договор о сотрудничестве между Республиканским специализированным центром хирургии имени академика В. Вахидова и клиникой города Бергамо – Ospedali Riuniti di Bergamo. Тогда операции на клапанах сердца, коронарных сосудах и восходящей аорте осуществлялись в основном у взрослого контингента больных. Примечательно, что сегодня акцент делается именно на малышах, многим из которых нет и трех лет. Итальянские врачи обладают огромным опытом лечения пациентов с патологией сердечно-сосудистой системы, особенно у детей раннего возраста с врожденными пороками сердца. Сегодня багаж в области

(Окончание на 2-й стр.)

Қисқа сатрларда

### Тиббий хизматлардан аҳоли мамнун

Бухоро вилояти Ромитан туманидаги "Тарнаут" қишлоқ врачлик пункти уч мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

11 нафар малакали мутахассис меҳнат қилаётган ҚВП замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган. Бу ердаги тўрт ўринли кундузги шифохона, физиотерапия, лаборатория, аёллар кўриги хоналарида барча шароитлар яратилган.

### 160 ўринли бўлим

Сурхондарё вилояти Денов тумани тиббиёт бирлашмаси тасарруфида ташкил этилган перинатал бўлим 160 ўринга мўлжалланган.

Бу ерда яратилган шароитларга таянган ҳолда 60 нафар шифокор репродуктив саломатликни, жумладан, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

### Она ва бола – доимий эътиборда

Фарғона вилояти Қува туманидаги Она ва бола реабилитация шифохонаси 90 ўринга мўлжалланган. Юздан зиёд малакали шифокор ва ҳамшира меҳнат қилаётган ушбу замонавий тиббиёт муассасасида неврология, туғиш ёшидаги аёллар учун бўлимлар очилган. Биргина ўтган йили ушбу шифохонада икки ярим мингдан зиёд она ва бола саломатлигини тиклаган.

### Барча имкониятлар яратилган

Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида тиббиёт муассасаларининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини янада ошириш ишлари Обод турмуш йилида изчил давом эттирилмоқда.

Шуманай тумани тиббиёт бирлашмаси қайта реконструкциядан чиқарилиб, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш, ташхис қўйиш ва самарали даволаш учун барча шароит яратилди. Муассасанинг кўп тармоқли поликлиникасида кунига 300 нафар бемор қабул қилиш имконияти мавжуд. Бирлашма ва унинг тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларида етмишга яқин шифокор ва беш юздан зиёд ҳамшира хизмат кўрсатмоқда.

### Аёллар учун янги марказ иш бошлади

Шу йили Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги Тинчлик шаҳарчасида иш бошлаган "Соғлом аёл маркази"да хотин-қизларнинг маиший хизмат шохобчаларидан фойдаланиши, спорт машғулотлари билан шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамлаши учун барча қулайликлар яратилган.

– Опа-сингилларимизнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллатиш билан бирга, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга кўмаклашувчи хизмат турларини кўпайтириш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардандир, – деди марказ раҳбари Манзурахон Файзиматова.

### Фуқаролик жамияти ва матбуот

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда пойтахтимизда ижтимоий аҳамиятга молик ахборотлар олиш механизмларини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

Мулоқот давомида аҳолининг фуқаролик фаоллигини кучайтириш, сиёсий ва ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини оширишда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутиши хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**(Ахборот агентликлари ва ўз мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди).**

### Саломатлик тарғиботи

*– Шаҳримиз қамровидаги 54 та маҳалла аҳолиси учун еттита оилавий поликлиника мутахассислари томонидан соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида "Одам савдоси", "ОИТСнинг олдини олинг", "Сен соғлом турмуш тарзини танла", "Ўсмирларнинг репродуктив саломатлиги", "Соғлом она – соғлом бола", "Тўғри овқатланиш" мавзуларида учрашувлар, суҳбатлар ташкил этилмоқда. Соғлом фарзанд туғилиши, баркамол авлодни вояга етказишда барча оила аъзолари масъулиятини оширишга йўналтирилган ўқув машғулотлари олиб борилмоқда,* – деди Марғилон шаҳри "Саломатлик" маркази раҳбари Ҳамиджон Иброҳимов.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ, меҳнат фахрийси.**

Орбиты сотрудничества

# ЗДОРОВЬЕ РЕБЕНКА – В НАДЕЖНЫХ РУКАХ

диагностирования и лечения данной патологии есть и у наших специалистов. Кардиохирургия является динамично развивающейся отраслью в нашей республике.



... В голубом халате, защитной маске и колпаке, стоя у открытых дверей операционной, сильнее, чем когда-бы то ни было, ощущаешь свою сопричастность к происходящему. На долю секунды забываешь о том, что ты журналист, готовящий материал для редакции. По сути становишься свидетелем величайшей тайны – спасения человеческой жизни. Но неизменные блокнот и ручка наготове.

"В чем уникальность проводимой девочке операции?" – обращаюсь к стоящему рядом заведующему отделением кардиоанестезиологии и кардиореанимации кардиохирургического комплекса, кандидату медицинских наук Алишеру Хайдарову.

*– Врожденный порок сердца считается в медицинской практике одним из сложных пороков развития человека, – поясняет Алишер Эркинович. – Особенность данной операции в том, что она проводится на открытом сердце с использованием аппарата «искусственное сердце-легкое". При этом сердце у пациента останавливают на 40-60 минут. Кроме того, во время хирургического вмешательства применяются специальные препараты для анестезии, также они используются для дальнейшего ведения больных с легочной гипертензией, что помогает восстановить нормальный объем легких. Прооперированный пациент находится в больнице под наблюдением две недели, после чего наблюдается у наших специалистов каждые полгода. Немаловажным моментом в деле полной реабилитации малышей является такой момент, что сразу после операции они могут общаться с мамой, роль грудного вскармливания здесь неоценима. Сегодня осуществляем операции всех видов врожденного порока сердца начиная от грудничкового возраста и старше. Проводим аортокоронарное шунтирование у больных с ишемической болезнью сердца как на работающем сердце, так и в условиях искусственного кровообращения. Новейшее оборудование позволяет проводить эхокардиографические исследования во время операции, что позволяет уточнить тактику хирургического вмешательства. Также анестезиологи владеют транспищеводной кардиографией и совместно с кардиологами могут оценивать функцию сердца, помогая медикаментозными препаратами.*

(Окончание.
Начало на 1-й стр.)

С момента открытия кардиохирургического комплекса в действующих при нем отделениях врожденных пороков сердца и коронарной хирургии, по словам А. Хайдарова, проведено около тысячи операций. Примечательно, что сотрудничество с зарубежными коллегами приносит большие плоды. Это не только участие наших врачей в мастер-классах, стажировка молодых специалистов за границей, но и, как подчеркивает присоединившийся к нашему разговору руководитель отдела хирургии врожденных пороков сердца, доктор медицинских наук Хакимжон Абролов, полноценное и равноправное сотрудничество. Ярким примером тому стала и операция двухлетней Малике, которая проводилась под руководством Хакимжона Кабулджановича с участием молодого сотрудника отделения, соискателя Омана Алимова, других врачей кардиохирургического комплекса и итальянских коллег.

*– Такая патология, как врожденный порок сердца, – продолжает Хакимжон Абролов, – согласно данным мировой медицинской статистики, составляет примерно 0,6-0,7 процента на сто тысяч населения. Так как это врожденная аномалия, соответственно необходима ранняя диагностика аномалий сердца, в том числе и у плода. Чем раньше будет устранен дефект – эндовоскулярным путем или открытой операцией на сердце, тем лучших результатов стоит ждать в период реабилитации. Дальнейшую тактику лечения невозможно спланировать без высокоэффективной диагностики. В нашем центре имеются своременные мультислойные томографы, МРТ, ангиокардиографические установки, эхокардиографическая и ультразвуковая аппаратура. Важно, что с открытием центра появилась возможность помочь детям грудничкового возраста, в то время как раньше могли осуществлять операции детям только старше двух лет.*

Так, впервые в истории центра, по словам врачей, была проведена операция 11-месячному ребенку, который из-за врожденного порока сердца в своем возрасте весил всего пять (!) килограммов.



Захожу в реанимационное отделение, где проходят реабилитацию прооперированные детишки. Взгляд падает на худенького, бледного малыша – 11-месячного Исламжона. Как говорит его мама Дильфуза Абдураимова, после шести часов ожидания она вновь увидела своего малыша. После операции прошло всего четыре дня, и Исламжон чувствует себя уже намного лучше. На него с надеждой и радостью смотрят врачи комплекса, а также их коллеги из Италии и Испании, только что завершившие сложнейшую операцию Малике Ризаевой.

*– Приятно видеть, что ваш центр соответствует стандартам мировой хирургии, – отмечает главный хирург-педиатр Миланского госпиталя Нигуара Стефано Марьонесчи. – Я рад, что наше сотрудничество с узбекскими коллегами продолжается и уровень специалистов становится все выше. За неделю мы совместно прооперировали семерых детей, и это хороший результат. Надеемся на дальнейшее и успешное продолжение совместного проекта.*

**... Когда мы вместе с другими журналистами выходили из клиники, должна была начаться вторая операция под руководством Хакимжона Абролова в партнерстве с итальянскими коллегами. Возраст пациентки – 18 лет, накануне поступила в тяжелом состоянии гипоксии. После немедленной диагностики было принято решение провести хирургическое вмешательство. Верится, что еще одна жизнь, оказавшаяся в руках людей в белых халатах, будет спасена. В этом и заключается совершаемый ими каждодневный, невидимый широкой общественности подвиг. Прооперированное сердце дарит пациентам кардиохирургического комплекса право на второе рождение, где нет места физическим и душевным страданиям.**

**Оксана КАДЫШЕВА.**
**Фото Анвара САМАТХОДЖАЕВА.**

Қарор ва ижро

**Фарғона вилояти**

# ТАҲЛИЛ, ХУЛОСА ВА КЕЛГУСИ ВАЗИФАЛАР

***Жорий йилнинг 12 март куни Фарғона вилояти ҳокимлигида соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдами ҳолати, ушбу йўналишдаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимига бағишланган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг навбатдан ташқари кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.***

Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ҳокимлиги мутасаддилари, ҳудудий соғлиқни сақлаш тузилмалари ва даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари, ДСЭНМ бош шифокорлари, оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари, тизимдаги коллеж директорлари иштирок этди.

Йиғилишни Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари А. Пўлатов кириш сўзи билан очиб, Президентимизнинг одилона сиёсати асносида ҳар бир соҳада босқичма-босқич амалга оширилаётган ишлар хусусида гапириб ўтди. Таъкидланганидек, давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимига ҳам қаратилаётган алоҳида эътибор боис самарали ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, эпидемиолгик барқарорликни таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, кадрлар тайёрлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар замирида инсон саломатлиги, унинг манфаатлари ифода топмоқда. Шу билан бирга, қайд этилганидек, ютуқлар қаторида ечимини кутаётган масалалар борки, уларни ҳал этиш учун ҳамжиҳатликда иш юритиш зарурдир.

Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров мустақиллик йилларида тизимда эришилган ютуқларга алоҳида тўхталиб, бу борада жаҳон талаблари асосида қад кўтарган замонавий тиббиёт муассасалари, янги технологиялар ҳамда малакали кадрларнинг аҳолига кўрсатаётган тиббий хизмат сифати ошганлигини эътироф этиб, Юртбошимизнинг соҳага оид фармон ва қарорлари ижроси бўйича изчил олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам ўз фикрларини билдирди.



Шунингдек, барча республика минтақалари қатори Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш тизимида ҳам аҳолига

**(Давоми 2-бетда).**

**Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**

Қарор ва ижро

Фарғона вилояти

# ТАҲЛИЛ, ХУЛОСА ВА КЕЛГУСИ ВАЗИФАЛАР

(Давоми. Боши 2-бетда).

кўрсатилаётган тиббий хизмат такомиллашиб, сифати яхшиланиб бораётганлигини, айни кунда вилоят аҳолисига 78 та шифохона, 19 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаси таркибидаги 396 та амбулатор-поликлиника муассасаси, шундан 293 та ҚВП ва 32 та ихтисослаштирилган диспансер, 20 та тез тиббий ёрдам шохобчаси хизмат кўрсатилаётганлигини таъкидлади.

Маърузачи давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрдаги 1652-қарори ижросига алоҳида эътибор қаратиб, вилоятда амалга оширилган ишларга танқидий баҳо берди. Ўз навбатида, жорий йилнинг устувор вазифаларини изчиллик билан амалга ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Марат Содиқов даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техник негизини такомиллаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш ва соғлом оилани шакллантириш, аҳоли тиббий маданиятини оширишда тарғибот ишларини кучайтириш, туман тиббиёт бирлашмалари, кўп тармоқли поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария ёрдами ҳамда юқумли касалликлар профилактикаси, ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича қилинган ишлар хусусида тўхталиб, ўз навбатида, ечимини кутаётган масалаларга ҳам эътибор қаратди.

Вазирликнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Саидмурод Исмоилов тизимдаги тегишли йўналишда самарали натижалар қўлга киритилаётганлигини таъкидлаб, жумладан, Фарғона вилоятида ҳам бу борадаги муайян ишларга урғу берган ҳолда жиддий хато ва камчиликлар учраётганлигини қайд этди.

Республика СПИДга қарши кураш маркази директори Нурмат Отабеков эпидемиологик барқарорликни таъминлашда республика миқёсида ижобий ўзгаришларга эришилаётганлигини алоҳида таъкидлади. Айрим ҳудудий тиббиёт муассасаларида шифохона ички инфекцияларининг олдини олиш бўйича дезинфекция, стерилизация талабларини бажаришдаги хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлиги тўғрисида ҳам маълумот бериб ўтди.

Вазирликнинг даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатиш бош бошқармаси етакчи мутахассиси Барно Одилова республика ҳамда Фарғона вилоятидаги даволаш-профилактика муассасаларида аҳолига тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш борасидаги ишларга урғу берди. Жумладан, вилоятнинг туман тиббиёт бирлашмаларида терапия, хирургия ва шошилинч ёрдам йўналишлари бўйича даволаш-ташхис жараёни тасдиқланган мезонларга асосан олиб борилаётганига эътибор қаратди, шунингдек вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги айрим камчиликлар хусусида ҳам гапириб ўтди.

Вазирликнинг назорат инспекцияси етакчи мутахассиси Дилфуза Комилова мамлакатимиз Президентининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган фармон ва қарорлари, “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида”ги қарор талаблари жойларда бажарилиши, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш тартиблари юзасидан ахборот берди. Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида ушбу йўналишда йўл қўйилган камчиликлар хусусида ҳам фикр билдирди.

**Йиғилишда кун тартибидан ўрин олган асосий масалаларга танқидий ёндошган ҳолда зарурий чора-тадбирлар белгилаб олинди.**

**Ибодат СОАТОВА.**

Бугуннинг мавзуси

# ЁШЛАРИМИЗ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИ ВА «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ»

***Ҳар бир миллат ва халқнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ҳамда юксалтиришда, албатта, оиланинг таъсири беқиёс. Зеро яхшилик, эзгулик, меҳр-оқибат, ор-номус, андиша, ибо-ҳаё каби муқаддас тушунчалар пойдевори, фарзандлар дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезону қарашлар ҳам оила шароитида қарор топади. Шунинг учун ҳам ота-онага ҳурмат, фарзандлик бурчини чуқур англаш каби хусусиятлар оилавий муносабатларнинг маънавий олами билан чамбарчас боғлиқдир.***

Ўзбек халқи азалдан болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Бироқ ҳозирги шиддат билан ўтаётган даврда фарзандга меҳр бериш, юксак маънавият асосида вояга етказиш масалалари биз учун янада муҳим аҳамият касб этишини унутмаслигимиз керак. Фан-техника, юқори технологиялар беқиёс даражада тараққий этиши ахборот алмашинувини тезлаштириб юборди. Ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган глобаллашув жараёнлари баъзи салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқармоқда. “Ахборот хуружи” деб аталмиш тушунча ҳам пайдо бўлиб, ўз салбий оқибатларини намоён этмоқда.

Юртбошимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар халқимиз, айниқса ёшларимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Давлатимиз раҳбари ўтган йили Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маросимда ҳам ушбу масаланинг ўта муҳимлигини яна бир бор таъкидлаган эди. Бугунги кунда ёшларимиз онгига миллий ғоя, миллий қадриятларимизнинг асл маъно-мазмунини сингдириш зарур. Ўзлигини яхши англаб етган ҳар бир ўғил-қиз маънавий таҳдид ва хатарлардан мустаҳкам ҳимояланa олади.

Оддийгина мисол. Телевидение орқали намойиш этилаётган фильмларнинг ҳаммаси ҳам фарзандларимиз тарбиясига мос келмаслиги, баъзи ёшлар маънавиятимизга зид кийимлар кийиши ва муомалада бўлишига айрим хорижий дастурлар сабабчи дейишга ҳақлимиз. Бунинг ёмон томонларидан бири шуки, айрим ёш авлод вакиллари асл маданият билан «оммавий маданият»ни аралаштириб қўймоқда.

Ушбу жараёнлар ривожида интернет тармоғи ҳам муҳим ўрин тутади. Айтиш жоизки, интернет оммавий маданият элементларини тарқатувчи қудратли кучга айланган. Бунга, биринчидан, ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайиши замин яратди. Иккинчидан, интернет тармоғи бўйича хизмат кўрсатувчи субъектлар сони ошиб бормоқда. Демакки, учинчидан, бундан фойдаланувчилар ҳам кўпаймоқда. Ҳозирги кунда республикамиз аҳолисининг саккиз миллионга яқини интернетдан фаол фойдаланади. Сайтлар орқали нафақат илму фан ютуқларидан бохабар бўлиш, балки замонавий маданият элементларини ҳам ўзлаштириш, хусусан, турли фильм ва клипларни, суратларни ҳам шахсий компьютер ёки дискларга юклаб олиш имконияти кенг. Бундай шароитда йигит-қизларда ахборот олиш маданиятини шакллантириш муҳим ҳисоблансада, бу борадаги масъулият биринчи навбатда оила зиммасида эканлигини унутмаслик лозим.

“Маданият” сўзи араб тилидан кириб келган бўлиб, тараққиёт маъносини англатади. Демак, маданият – ривожланиш, юксалиш деганидир. Маданиятли инсонлар чуқур билим олиб, дунёқарашини кенгайтиришга, ўз навбатида, миллий қадриятларини ҳам ҳурмат қилишга интилади.

Бир сўз билан айтганда, Ватан, халқ тақдирига бефарқ қарамайдиган инсонлар ҳар томонлама мустаҳкам, фаровон, соғлом оилада тарбия топиб улғаяди. Оила маънавий соғлом экан, жамият мустаҳкам, мамлакат барқарордир.

**Намоз ТОЛИПОВ.**

*(Мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг молиявий кўмагида тайёрланди).*

Семинар

# ОНА ВА БОЛА – ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

***Пойтахтимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни кенг жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва вазифаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда журналистлар қаторида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, эксперт ва олимлар иштирок этди.

Масалалар бўйича Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Файзиева, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари М. Зоҳидова, Р. Фозилбеков ва бошқалар тизимда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида ўз фикрларини билдириб ўтишди.



Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев кейинги йилларда Юртбошимиз раҳнамолигида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш борасида қамрови кенг ишлар амалга оширилаётганлиги, бу борадаги давлат дастурлари, қонун ҳужжатлари, кўплаб чора-тадбирлар ҳаётда ифода топишида ОАВларининг тутган ўрни алоҳида эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари А. Қирғизбоев мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири эканлиги ва бу борада самарали ишлар амалга оширилаётганлигини қайд этди.

Кун тартибидан ўрин олган асосий масалалар бўйича ...

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар, айниқса оналар ва болалар саломатлигига қаратилган саъй-ҳаракатлар, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб боришдан иборат бўлди. Албатта, жамоат фонди томонидан журналистларнинг бу борадаги малакасини янада юксалтириш мақсадида бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, ташкилотчилар ҳамда иштирокчилар фикри билан айтганда, мазкур тадбир ОАВ вакиллари профессионал билим-маҳоратини ошириш билан бирга, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар янада теран ва чуқур ёритилишига хизмат қилади.

**Диёра БОЗОРОВА.**
**Сурат муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг

# ҚАРОРИ

## Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ходимларини пировард молиявий натижалардаги меҳнат улушига қараб, меҳнат жамоасига тўланадиган дивидендлар ҳисобидан ҳар йили моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, 11-сон, 341-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги 91-сон "Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 14-сон, 152-модда) ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ходимларини пироварد молиявий натижалардаги меҳнат улушига қараб, меҳнат жамоасига тўланадиган дивидендлар ҳисобидан ҳар йили моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

| | |
|---|---|
| **Соғлиқни сақлаш вазири** | **А. АЛИМОВ.** |
| **Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири** | **А. ҲАИТОВ.** |
| **Молия вазири** | **Р. АЗИМОВ.** |

*(Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 28 февралда 2433-сон билан Давлат рўйхатидан ўтказилди)*

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги,*
*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги,*
*Молия вазирлигининг 2012 йил 30 январдаги*
*3,8-қ/қ ва 9-сон қарорига илова*

## Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ходимларини пировард молиявий натижалардаги меҳнат улушига қараб, меҳнат жамоасига тўланадиган дивидендлар ҳисобидан ҳар йили моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги

# НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, 11-сон, 341-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги 91-сон "Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 14-сон, 152-модда) мувофиқ акциядорлик жамиятига (бундан буён матнда Жамият деб юритилади) айлантирилаётган республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ходимларини, акцияларнинг 49 фоизи бўйича тўланадиган дивидендлар ҳисобидан, уларнинг пировард молиявий натижалардаги меҳнат улушига қараб, ҳар йили моддий рағбатлантириш тартибини белгилайди.

### I. Умумий қоидалар

1. Акцияларнинг 49 фоизи (меҳнат жамоасига улушни тасарруф қилиш ва тақсимлаш ҳуқуқисиз фойдаланиш учун берилган) улуши бўйича тўланадиган дивидендлар (бундан буён матнда дивиденд деб юритилади) Жамият фаолиятининг пировард молиявий натижаларида ходимларнинг меҳнат иштироки коэффициентига қараб уларни (шу жумладан, раҳбарлар таркиби учун 10 фоизгача) моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

2. Жамият кузатув кенгаши дивидендлардан мақсадли фойдаланилиши устидан мониторинг амалга оширади.

### II. Ходимларни моддий рағбатлантириш тартиби

3. Ходимларни, уларнинг Жамият фаолиятининг пировард молиявий натижалардаги меҳнат улушига қараб, дивидендлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан йиллик дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган (эълон қилинган) тақдирда амалга оширилади.

4. Ходимларни, дивидендлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш бўйича ҳисоб-китоб Жамият ижроия органи томонидан тайёрланади ва Жамият кузатув кенгашига тасдиқлаш учун киритилади.

5. Жамият кузатув кенгаши ходимларни моддий рағбатлантириш ҳисоб-китобларига ўзгартириш ва тузатишлар киритиш ҳуқуқига эга.

6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган (эълон қилинган) санадан бошлаб 60 кун муддат ичида ходимларга моддий рағбатлантириш тўланади.

7. Ходимларни дивидендлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш ҳисоб-китоби қуйидаги тартибда амалга оширилади:

дивидендларнинг умумий қийматининг 10 фоизгача миқдори раҳбарлар таркибини моддий рағбатлантиришга йўналтирилади;

дивидендларнинг қолган суммаси меҳнат жамоасини моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

8. Ҳар бир ходимнинг йиллик молиявий натижалардаги меҳнат улушини аниқлаш ва ходимларни моддий рағбатлантириш бўйича ҳисоб-китобларни тайёрлаш учун Жамиятнинг ижроия органи томонидан ҳар бир ходимнинг йиллик молиявий натижалардаги меҳнат улушини аниқлаш бўйича доимий фаолият юритувчи комиссия (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) ташкил этилади.

9. Комиссия қуйидаги функцияларни бажаради:

мазкур Низомнинг 2-иловасида кўрсатилган ходимларнинг фаолиятини баҳолаш намунавий мезонларига мувофиқ ходимларнинг даволаш жараёнига қўшган шахсий улушларини аниқлайди;

мазкур Низомнинг 2-иловасида кўрсатилган ходимларнинг фаолиятини баҳолаш намунавий мезонларига мувофиқ даволаш жараёнида иштирок этмайдиган ходимларнинг йиллик молиявий натижаларга қўшган шахсий улушларини аниқлайди;

ходимлар меҳнат улушини аниқлашда асослилик ва холисликни, ошкоралик ва шаффофликни таъминлайди;

дивидендлар ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантириш ҳисоб-китобларини тайёрлайди;

моддий рағбатлантириш миқдорини холисона белгилаш учун ҳар бир ходим фаолияти натижалари мониторингини ташкил этади ва ўтказади, тиббиёт ходимларини даволаш жараёнига қўшган шахсий улуши, меҳнатга ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатига виждонан ёндошганлигини баҳолайди.

10. Комиссиянинг шахсий таркиби Жамият кузатув кенгаши билан келишилгандан кейин Жамият ижроия органи раҳбари томонидан тасдиқланади ва қуйидагилардан шаклланади:

ижроия орган (директор) − Комиссия раиси;

директорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари − Комиссия котиби;

касаба уюшмаси раиси − Комиссия аъзоси;

бош тиббиёт ҳамшираси − Комиссия аъзоси;

жамоада ҳурмат ва обрўга эга бўлган уч нафардан кам бўлмаган ходимлар − Комиссия аъзолари.

11. Қуйидаги ходимларга моддий рағбатлантириш берилмайди:

йил якуни бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган календарь йили тугаган вақтда иш стажи 1 йилдан кам бўлган;

йил якуни бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган календарь йили давомида қўлланилган ва/ёки муддати амал қилаётган интизомий жавобгарликка тортилган.

12. Дивидендлар ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантириш ҳисоб-китобининг намунавий услуби мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган.

### III. Якуний қоидалар

13. Жамият томонидан моддий рағбатлантиришга йўналтирилган дивидендлар бўйича алоҳида ҳисоб юритилади.

14. Дивидендлардан мақсадли фойдаланиш тўғрисидаги ҳисобот ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

*Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари*
*ходимларини пировард молиявий*
*натижалардаги меҳнат улушига қараб, меҳнат*
*жамоасига тўланадиган дивидендлар ҳисобидан*
*ҳар йили моддий рағбатлантириш тартиби*
*тўғрисидаги Низомга 1-илова*

## Дивидендлар ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантириш ҳисоб-китобининг НАМУНАВИЙ УСЛУБИ

Мазкур намунавий услубда қўлланилган мезон, чегара, чеклов ва коэффициентлар намунавий ҳисобланиб, тавсиявий характерга эга. Комиссия Жамият кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда ходимларни моддий рағбатлантиришда ўзининг мезон, чегара, чеклов ва коэффициентларини ўрнатиш ҳуқуқига эга.

Ходимларни дивидендлар ҳисобидан бир маротаба бериладиган моддий рағбатлантириш бўйича ҳисоб-китоблар моддий рағбатлантириш олишга ҳақли бўлган ходимларни қуйидаги тартибда гуруҳлаштириш орқали амалга оширилади:

I гуруҳ: раҳбарлар таркиби;

II гуруҳ: шифокор ходимлар;

III гуруҳ: ўрта тиббиёт ходимлари;

IV гуруҳ: кичик тиббиёт ходимлари;

V гуруҳ: хўжалик ходимлари (муҳандис, тиббиёт ускуналарига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича техник ва бошқа ходимлар).

Дивидендлар ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантириш бўйича ҳисоб-китоблар Комиссия томонидан бир неча босқичда амалга оширилади.

**Биринчи босқичда** ходимларнинг ҳар бир гуруҳи учун моддий рағбатлантиришга йўналтириладиган маблағлар суммасини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Ходимларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича моддий рағбатлантиришга йўналтириладиган маблағлар суммасини аниқлаш учун биринчи навбатда ходимлар ҳар бир гуруҳ аъзолари ўртача ойлик иш ҳақи суммасини меҳнат жамоаси барча аъзолари ўртача ойлик иш ҳақи суммасига нисбатан солиштирма миқдори (фоизда) аниқланади.

Ходимлар гуруҳининг ҳар бирини моддий рағбатлантиришга йўналтириладиган

**(Давоми 5-бетда).**

### Истеъдод

# ИҚТИДОРЛИ ҚИЗЛАР БАҲСИ

***Ҳар бир ота-она фарзанди камолини кўришни орзу қилиб, Ватанига муносиб инсон бўлиб етишиши ҳаракатида юради. Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, Юртбошимиз томонидан келажагимиз ворисларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик бундан мустасно эмас. Албатта, бу борада ўғил-қизларимиз жаҳон миқёсида спорт, тиббиёт, санъат йўналишларида эришаётган ютуқлари қалбимизни фахрга тўлдириши, шубҳасиз.***



В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида таҳсил олаётган ёшларимиз ҳам ноёб истеъдодини намоён этган ҳолда Президентимиз ишончини оқламоқда. Лицей ўқувчилари асосий ва махсус фанларни мукаммал эгаллаш билан бир қаторда, турли кўрик-танловларда фаол қатнашиб, санъат бобидаги янги қирраларини намойиш этаётганлиги фикримизнинг ёрқин ифодаси десак, янглишмаймиз.

Наврўз айёми арафасида ушбу санъат кошонасида Обод турмуш йилига бағишлаб ўқувчи-қизлар ўртасида «Темурий маликалари» танлови ўтказилди.

В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Дилдора Жамолова тадбирни очар экан, ушбу таълим масканини ўқувчилари бугунги кунда юртимиз ҳамда хорижий давлатларда ўтказилаётган нуфузли танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларга муносиб бўлаётганликларини ифтихор билан тилга олди. Ўз навбатида, давлатимиз раҳбари томонидан иқтидорли ёшларимизга яратиб берилаётган имкониятлар учун ҳам миннатдорчилик билдирилди.

Танлов иштирокчилари Темурийлар даври маликалари образларини аждодларимиз маънавий мероси, миллий қадриятларимизни жонли ифодалаб беришга ҳаракат қилишди. Гўзал қизларимиз «Зукколар баҳси», «Касбим-фахрим», «Эркин мавзу», «Пазандалик маҳорати» шартларида ўзаро беллашишди.











Севара Шорасулова (Бибихоним) – фортепьяно, Ангелина Аҳмедова (Ҳадичабегим) – академик ашула, Феруза Ҳасанова (Хонзодабегим) – эстрада созандаси, Шаҳло Турсунхўжаева (Гулбаданбегим) – мусиқашунослик бўлими, Дилшода Тошболтаева (Аржумандбону) – хор дирижёрлик, Моҳира Абдуҳакимова (Жаҳоноробегим) – анъанавий ижрочилик, Дурдона Мирзаева (Зебуннисобегим) – анъанавий созандалик – ушбу йўналишларда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг Темурий маликалари тимсолидаги либослари, шеър, ғазал, жозибали рақс ва саҳна кўринишларини маромига етказиб ижро этганликлари барчани ўзига ром этди.

Дарҳақиқат, ҳакамларга ҳам танлов иштирокчиларини баҳолаш осон кечмади. Қизларнинг зукколиги, касбий йўналиши бўйича иқтидори, пазандалиги, нафосат бобидаги чиқишлари бир-биридан қолишмади. Ўқувчилар истеъдоди одилона баҳоланган ҳолда гран-при Жаҳоноробегим образини яратган Моҳира Абдуҳакимовага берилди. Дурдона Мирзаева ва Ангелина Аҳмедовалар биринчи ўринга сазовор деб топилган бўлса, қолган қизларимизга иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.

Албатта, бундай танловлар ўтказилиши фарзандларимизнинг тарихий сиймолар ҳақида янада чуқур маълумотга эга бўлиши, уларнинг истеъдод бобидаги янги қирраларини очишга хизмат қилади.

Журналист ҳамда ҳайъат аъзоси сифатида шуни ҳам эътироф этмоқчиманки, ушбу лицейда анъанага айланган кўплаб кўрик-танловлар йил сайин ўз нуфузига эга бўлиб бормоқда. Жамоадаги соғлом муҳит, ўқувчиларга таълим ва тарбия бераётган ўқитувчиларнинг ҳар томонлама интеллектуал салоҳиятга эга эканликлари бу сафар ҳам яққол кўзга ташланади. Албатта, лицей директори Дилдора Жамолова, раҳбар ўринбосарлари Саида Абдураҳмонова, Малика Расулова, бўлим бошлиқлари Мавжуда Шоқамбарова, Замира Тўлаганова, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиси Сардорбек Ризаев, ўқитувчи Рамзия Муратбековаларнинг меҳнатлари таҳсинга лойиқ.

**Ибодат СОАТОВА.**

### 101 хизмати

# ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ

***2013 йилнинг ўтган даври мобайнида Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБ ЁХБ шахсий таркиби томонидан жойларда қамрови кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Шунга қарамасдан, афсуски, айрим хонадонлар, корхона-ташкилотларда ҳануз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари юзага келмоқда. Ёнғинлар содир бўлишига техник носоз газ ва электр мосламаларидан фойдаланиш, болалар уйда ёлғиз қолдирилиши сабаб бўлмоқда.***

Мисол учун, Қуддус 1-тор кўчаси, 28-уйда электр иситиш мосламасидан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш натижасида ёнғин чиқиб, 1927 йилда туғилган фуқаро М. Лысакова куйиш тан жароҳатидан вафот этган.

Ўзбекистон кўчасидаги "Эконома" хусусий корхонасига қарашли "Дўстлар" қаҳвахонасида газ анжомлари устидаги дудбуронлар тозаланмагани оқибатида етти нафар фуқаро тунги вақтда ис газидан заҳарланиб, улардан уч нафари воқеа жойида ҳаётдан кўз юмган.

Эски Отчопар кўчаси, 149-уйда сигаретдан чиққан ёнғин туфайли 1953 йилда туғилган К. Ҳамроқулов тутундан димиқиб, ҳалок бўлган.

Бундай нохушликларнинг олдини олиш учун дудбуронлар доимий равишда тозаланишини таъминлаш, электр қуввати симлари носоз ҳолга келиб қолса, тегишли хизмат идорасига мурожаат қилиш, уй бинолари чордоғи ва ертўласига кириш эшикларини доимий равишда ёпиқ ҳолатда ушлаш зарур. Шу билан бирга газ-электр иситиш печлари ҳамда жиҳозларини ёқилган ҳолда ва назоратсиз қолдириш, газ плиталари устида кийим-кечак қуритиш, уй чордоғи ва ертўласида ёнувчи маҳсулотлар сақлаш мумкин эмаслигини ҳам унутманг.

Ҳамшаҳарлар, кўрсатиб ўтилган ёнғинга қарши чора-тадбирларга риоя қилсангиз, авваламбор ўз уйингизни кулфатдан асраган бўласиз.

**Хусниддин УМАРОВ,**
**Миробод тумани ИИБ ЁХБ муҳандис-инспектори.**

**Ҳурматли муштарийлар!**
**Агар Сиз обуна бўлган ҳудудда газетанинг кечикиб бориш ҳолатлари кузатилса, таҳририятнинг қуйидаги рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин: (8371) 233-13-22, 233-57-73.**

Бухоро Давлат тиббиёт институти жамоаси илмий ишлар бўйича проректор Баҳодир Барноевич Сафоевга волидаи муҳтарамаси
**ҲАЛИМА** аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 9515 нусха.
Буюртма Г-345.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.